

## **РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Хасанова Мұтабар Султоновна**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридағы*

*Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистранти*

*e-mail: [xasanovamutabar7@gmail.com](mailto:xasanovamutabar7@gmail.com); тел:95-551-22-88*

**Антонация.** Ушбу мақолада иқтисодиётни рақамлаштириш орқали экспорт салоҳиятини оширишнинг назарий услубий асослари ва ўзига хос ҳусусиятлари, шунингдек, рақамли технологияларни амалиётга жорий этишининг афзаллilikлари, улардан замонавий барча соҳаларда фойдаланиш тамоиллари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Рақамли технологиялар, рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект, нейротехнологиялар, интеллектуал капитал, нейротармоқ, интеллектуал ресурс, электрон тижорат.

### **КИРИШ**

Глобаллашув жараёнлари, рақамлаштириш, халқаро рақобатнинг кучайиши ва соҳалар интеграциялашуви жаҳон мамлакатлари олдига энг қисқа вақт ичидан самарали ҳал этилиши зарур бўлган янги вазифаларни қўймоқда. Глобал ва миллий капитал бозорларида рақамли технологиялар, жумладан, дастурий таъминот, интернет ўйинлари, электрон тижорат, катта ҳажмдаги маълумотлар базаси массивларини сақлаш технологияси ҳамда бошқаларга сармояларнинг ортиши ҳисобига таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда. Рақамли бозорларнинг ривожланиши аҳолининг таълим даражаси юқори бўлган мамлакатларда осон кечеётганига гувоҳ бўляпмиз. Янги эҳтиёжлар, ахборот тезлиги ва ҳажми кундан кунга ортиб бориши натижасида рақамли иқтисодиётда янги маҳсулотлар яратиш орқали эҳтиёжларни арzon, тез, самарали қондиришга эришилади. Шу сабабли, ҳар бир мамлакат глобал бозорларга чиқиш учун рақамлаштириш имкониятларидан унумли фойдаланади.

Шу билан бир қаторда, глобал миқёсдаги иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришлар ривожланаётган давлатлар томонидан янги тенденцияларга мослашиш жараёнида жаҳон тажрибасини тўплаш ва ундан самарали фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Бугунги шароитда самарали фаолият юритиш учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ва умуман





мамлакатлар барқарор иқтисодий алоқаларни ўрнатишдан манфаатдор бўлган ҳамкорлар тўғрисидаги маълумотларга муҳтож. Миллий иқтисодиёт ва унинг ҳар бўғинида иштирок этувчи субъектлари ахборот алмашиш ва рақамли бошқаришда барқарор ривожланишга интилиши, замон ва маконга мослашиши зарур. Рақамли иқтисодиёт асосида ҳар бир давлат глобал бозорда экспортёр корхоналарнинг улушини оширишда ҳамда рақобатбардошлигини таъминлаш учун институционал ва инфратузилмавий рақамли муҳитни яратиши, иқтисодиётнинг юқори самарадор рақамли технологияли тармоқларини ривожлантириши ва иқтисодиётда инсон омилини чеклаш орқали ҳал этиш мумкин.

Барқарор иқтисодий ривожланишга интилган аксарият давлатлар, жумладан, Ўзбекистон ҳамжиҳатлик, эркинлик, шаффоффлик, очиқлилик тамойилларига асосланган ижтимоий муносабатлар тизимини шакллантиришга интилмоқда. Ички ва ташқи омилларнинг доимий таъсирини баҳолаб бориш негизида миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини танлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш орқали экспорт салоҳиятини ошириш, миллий қитисодиётни юқори суратда ўсишини таъминловчи ва глобаллашув жараёнларига рақобатбардошлигини таъминлаш воситаси сифатида рақамли иқтисодиётнинг ролини оширишга қаратилган мухим стратегик мақсадларни олдига қўйиб ҳаракатланмоғи лозим. Улардан асосийлари экспорт ҳажмини оширишда сармоявий-инновацион ҳамкорликни йўлга қўйиш бунда макро (давлат) ва микро даражадаги (корхоналар) ва жамоатчилик билан алоқаларни рақамлаштириш орқали эришиш мумкин.

Бу борада давлатимизда қатор ишлар олиб борилмоқда, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2020 йилдаги ПҚ-4699 қарори айнан рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукumatни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида бўлиб, иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимиға замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида қуйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларни амалга оширилиши белгилаб берилган:

- 2023-йилга келиб мамлакат ялпи ички маҳсулотида рақамли иқтисодиётнинг улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни



автоматлаштириш орқали ушбу жараёнларни жадаллаштириш;

- 2020-2021-йилларда барча мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасаларини, шунингдек, қишлоқлар ва маҳаллаларни юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш ва алоқа хизматлари сифатини оширишни кўзда тутган ҳолда мамлакатнинг рақамли инфратузилмасини тўлиқ модернизация қилиш ва замонавий телекоммуникация хизматларидан барча ҳудудларда фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

- таълим тизимининг барча босқичларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган рақамли билимларнинг даражасини ошириш, таълим инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, “Беш ташаббус” лойиҳасини амалга ошириш доирасида 2022-йилга қадар республиканинг барча ҳудудларида рақамли билимларга ўқитиш марказларини очиш;

- 2022-йилга қадар электрон давлат хизматлари улушини 60 фоизгacha йетказишни назарда тутган ҳолда давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда интеграция қилиш, давлат маълумотлар базаларидаги ахборотларни унификация қилиш, шунингдек, давлат хизматларини қўрсатиш тартиботларини оптималлаштириш ва тартибга солиш орқали электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш;

- дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологик майдончалар яратиш орқали “рақамли тадбиркорлик” ни ривожлантириш, 2023-йилга келиб ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 бараварга ошириш ва уларнинг экспортини 100 миллион долларга етказиш.

Зоро, бу устувор йўналишлар тизимли йўлга қўйилса меҳнат унумдорлигини оширишга, иқтисодий ўсишни таъминлашга, янги иш ўринлари яратишга, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни жаҳон бозорига олиб чиқишига, мамлакатда экспорт салоҳиятини оширишга ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини оширишга ҳисса қўшади ва жамият тараққиётини фаол рағбатлантиришга эришилади.

Мамлакатимизнинг асосий экспорт ҳажмини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил қиласди. Бу борада сув хўжалигида “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ахборот тизимини яратиш сув таъминоти ҳамда канализация обьект-ларининг геоахборот тизимини шакллантириш, ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш бўйича иншоотларда сув ҳисобини электрон тарзда юритувчи ахборот тизимини жорий этиш, Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари асосида сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда



бошқариш мастер режаси ва пилот лойиҳасини амалга ошириш, йерларнинг шурланиш даражаси ва мелиоратив ҳолатини мониторинг қилиб борувчи ахборот тизимини яратиш, сув кадастри билан боғлик ахборотни олиш, идораларо ўзаро ахборот алмашиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш ҳамда статистикасини юритишни таъминлайдиган рақамли технологияларини яратиш жараёнлари кетмоқда.

Иқтисодиётни рақамлаштириш масалалари илк маротаба 1990 йилларнинг ўрталарида муҳокама мавзуси сифатида тарғиб қилиниб, илк таърифлар келтирилиб, мазкур таърифларда корхона ва истеъмолчиларни вертуал дунёда учраштирувчи восита сифатида эътироф этилди<sup>4</sup>. 90-йилларнинг охирларига келиб эса таҳлиллар асосан интернетдан иқтисодиётда фойдаланиш орқали корхоналарда иқтисодий самарадорликни ошириш йўналишлари тадқиқ этилди. Айнан интернет ресурсининг иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнидаги таъсир доираси кенг баҳоланиб, унинг яширин имкониятлари юзасидан мулоҳазалар юритилиши бошланди<sup>5</sup>. Интернет тезлигининг ошириб борилиши натижасида иқтисодий жараёнларда эришиладиган фойда кўрсаткичлари таҳлили ҳам амалга оширилиб, мазкур омилнинг қанчалик муҳим эканлиги белгилаб олинди. Мазкур соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратила бошланди. Иқтисодиётни рақамлаштириш масаласи давлатлар миқёсида жиддий масала сифатида кўтарилиб кун тартибига чиқди. Натижада мазкур йўналишдаги илмий тадқиқот ишларини амалга оширишга замин яратилди<sup>6</sup>.

Бу борада давлатимизда қатор ишлар олиб борилмоқда, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2020 йилдаги ПҚ-4699 қарори айнан рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида бўлиб, иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида қуйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларни амалга оширилиши белгилаб берилган:

2023-йилга келиб мамлакат ялпи ички маҳсулотида рақамли

<sup>4</sup> Barefoot K, Curtis D, Jolliff W, Nicholson JR, and Omohundro R (2018). Defining and measuring the digital economy. Working paper. Bureau of Economic Analysis, United States Department of Commerce, Washington, DC. Available at: <https://www.bea.gov/system/files/papers/WP2018-4.pdf>.

<sup>5</sup> UNCTAD (2017a). Information Economy Report 2017: Digitalization, Trade and Development. (United Nations publication, Sales No. Sales No. E.17.II.D.8, New York and Geneva).

<sup>6</sup> UNCTAD (2018a). Technology and Innovation Report 2018: Harnessing Frontier Technologies for Development (United Nations publication, Sales No.E.18.II.D.3. New York and Geneva).



иқтисодиётнинг улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали ушбу жараёнларни жадаллаштириш;

2020-2021-йилларда барча мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасаларини, шунингдек, қишлоқлар ва маҳаллаларни юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш ва алоқа хизматлари сифатини оширишни кўзда тутган ҳолда мамлакатнинг рақамли инфратузилмасини тўлиқ модернизация қилиш ва замонавий телекоммуникация хизматларидан барча ҳудудларда фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

таълим тизимининг барча босқичларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган рақамли билимларнинг даражасини ошириш, таълим инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, “Беш ташаббус” лойиҳасини амалга ошириш доирасида 2022-йилга қадар республиканинг барча ҳудудларида рақамли билимларга ўқитиш марказларини очиш;

2022-йилга қадар электрон давлат хизматлари улушкини 60 фоизгача ўтказишни назарда тутган ҳолда давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда интеграция қилиш, давлат маълумотлар базаларидағи ахборотларни унификация қилиш, шунингдек, давлат хизматларини қўрсатиш тартиботларини оптималлаштириш ва тартибга солиш орқали электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш;

дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологик майдончалар яратиш орқали “рақамли тадбиркорлик” ни ривожлантириш, 2023-йилга келиб ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 бараварга ошириш ва уларнинг экспортини 100 миллион долларга етказиш.

Рақамли иқтисодиётга жадал суръатлар билан ўтилиши нафақат миллий иқтисодиётда ишлаб чиқилаётган маҳсулот, иш ва хизматлар таннархини камайтиришга, самарадорликни оширишга балким айнан давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш гарови ҳамдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мазкур масаланинг бугунги кунда долзарблигини таъкидлаб, “...иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгиланишини кўзда тутадиган “Рақамли иқтисодиёт миллий концепсияси”ни ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга тадбик этишимиз зарур. Рақамли



иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камидага 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Нуфузли ҳалқаро ташкилотлар ўтказган таҳтиллар ҳам буни тасдиқламоқда. Шунинг учун Ҳукуматта икки ой муддатда рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича “йўл ҳаритаси”ни ишлаб чиқиш топширилади. Бу борада ахборот ҳавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур<sup>7</sup> деб таъкидладилар. Бундан ташқари, «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги<sup>8</sup> қарори билан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда электрон хужжат алмашинуви ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун электрон тижорат тизимларини босқичма-босқич жорий этиш, соҳа бўйича марказлашган маълумотлар тизимиға интеграцияни таъминлайдиган ягона ахборот-технологик платформасини жорий этиш ҳамда рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида замонавий инфратузилмани қўллаш масаласи қўйилди. Шунингдек бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган қилиб белгиланди. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида «блокчейн» технологияларини жорий этиш билан боғлиқ лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартларида амалга ошириш учун инвесторларнинг маблағларини жалб этиш ва бирлаштириш асосий вазифалардан бири ҳисобланган давлат муассасаси шаклидаги «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Сўнгги бир неча йил давомида рақамли технологиялар, хизматлар, маҳсулотлар, техника ва технологиялар, илмий кўникма ва тажрибаларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқларида оммалашиб кенг тарғиб қилинишига олиб келди. Мазкур жараён эса иқтисодиётни рақамлаштириш деб номланиб, рақамлаштириш жараёнида жаҳон бозорига янги рақамлаштирилган маҳсулотлар, иш ва хизматларнинг янгича инновацион турлари таклифи ошиб борди. Бу ҳолат эса янги ахборот технологияларини ривожлантиришда кескин таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилди. Иқтисодиётни рақамлаштириш ёки рақамлаштириш трансформацияси жараёни деярли барча тармоқ ва

7 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси».

8 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВнинг 2018 йил 21 ноябрь, ПҚ-4022-сонли қарори.



соҳаларни қамраб олган ҳолда, иш унумдорлиги ва меҳнат самарадорлигини кескин оширишга, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини яхшилашга, улар таннархини кескин камайтиришга, жаҳон бозорини кенг миқёсда қамровини амалга оширишга имконият яратди. Мазкур жараёнда робототехника, ИТ, “булутли ҳисоблаш”, “кatta ҳажмдаги маълумотлар базаси” уч ўлчовли нашрлардан фойдаланиш каби йўналишлар ҳам жадал суръатлар билан ривожланишига эришилди.

Бугунги кунда кундалик ҳаёт, ишбилармонлик муҳити ва давлат бошқарувида рақамли трансформациялар амалга оширилаётган пайтда иқтисодиёт чуқур таркибий ўзгаришлар ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга мухтоҷ. Экспорт операцияларини амалга ошириш бўйича давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг мақсадлари, тамойиллари, вазифалари, йўналишлари ва механизмлари аниқ белгиланиб олиниши, нафақат бир давлат томонидан ишлаб чиқилган рақамлаштириш стратегияларини амалга ошириш балки ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш ва ривожланиш иқтисодиётни рақамлаштиришда муҳим ўрин тутади.



### 1.1-расм. Иқтисодиётни рақамлаштириш жараёни тавсифи<sup>9</sup>

1.1-расмда иқтисодиётни рақамлаштириш жараёни тавсифи келтирилган бўлиб, мазкур жараёнда асосий ургу рақамлаштириш хизмат турлари, иқтисодий жараёнларни моделлаштириш, интернет тижоратини

<sup>9</sup> Adapted from Bukht and Heeks, 2017; Malecki and Moriset, 2007; and UNCTAD, 2017a. Firms in specific sectors or categories should be included or excluded as digital or IT. about an ongoing debate




ривожлантириш шартлари, тижорат саноатининг барча вакиллари, янги ахборот телекомуникацион инфратузилмасини ривожлантириш шарт шароитларига боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин. Янги ахборот технологиялари соҳасидаги глобал бандликда банд бўлганлар сони 2010 йилда 34 миллион кишини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилда 39 миллионгача ошиди. Шундан энг юқори улушни компьютер хизматларида банд бўлганлар ташкил этиб, 38 фоизга тенг бўлган. 2018 йилда рақамлаштирилган хизматлар экспорти 2,9 трлн. АҚШ долларни ёки дунё бўйича хизматлар экспортининг 50 фоизини ташкил этиб, 2005 йилдан 2018 йилгача мазкур хизмат турлари қарийиб уч бараварга кўпайган.

Иқтисодиётни рақамлаштиришнинг асосий тамойиллари ва моддий таъминот ресурслари келтирилган бўлиб, булар орасида инсон капитали, янги бизнес моделларнинг яратилиши, турли даражадаги технологик қуролланиш каби ресурслар аҳамияти муҳим ҳисобланади. Иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнида блокчейн технологиясидан фойдаланиш муҳим босқич бўлиб ҳисобланади. Рақамли технологиялардан бири бу блоклар ёрдамида амалга ошириладиган транзакциялар ҳисобланиб, блоклар ва бетлар кетма кетлигидан иборат бўлган маҳсус бухгалтерия дафтари сифатида эътироф этиш мумкин. Мазкур маҳсус дафтарда ҳар бир блокнинг тартиб рақами ва имзоси акс эттирилиб борилади. Блокчейн технологиясининг ютуқлари сифатида базага киритилган маълумотларни тизимга кирган барча фойдаланувчиларнинг фақат 100% розилиги остида бирон бир маълумотни ўзгартириш мумкин эканлигидадир. Инфраструктура провайдерига нисбатан ишончнинг талаб этилмаслиги эса мазкур технологиянинг ишлаш мустақиллигини тўлиқ таъминлайди. Шунингдек Блокчейн технологиясига жалб этилган ҳар қандай иштирокчи кирувчи мустақил равишда ўзини қизиқтирган жабҳа бўйича мустақил аудит ўтказа олиши мумкинлигидадир. Мазкур технологиянинг ишлаши натижасида ҳар қандай операциянинг тез ва арzon амалга ошириб, транзакцион харажатларни доимий равишда оптималлаштириб бориш мумкин бўлади.

Республика иқтисодиётини рақамлаштириш, алоқа ва ахборотлаштириш, ягона ахборот маконининг барқарор ишлаши ва хавфсизлигини та’минлаш ва алоқа инфратузилмаси, шу жумладан рақамли кун тартибини ривожлантириш бўйича миллий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича миллий сиёsatни мустақил равишда ишлаб чиқади, шакллантиради ва амалга оширади.





**1.2-расм. Иқтисодиётни рақамлаштиришнинг асосий тамоиллари ва моддий таъминот ресурслари<sup>10</sup>**

Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда ҳамда Ўзбекистон экспорт салоҳиятини рақамли иқтисодиёт технологиялари билан ривожлантиришда контрагент давлатлар доирасида ҳуқуқий тартибга солишини уйғунлаштириш заруриятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги муҳим кўрсаткичлар инобатга олиниши лозим, жумладан:

- ҳамкор давлатларнинг ҳар бирининг миллий манфаатлари, уларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, миллий бозорларнинг ривожланиш даражаси, технологик хусусиятлар ва рақамли инфратузилманинг ҳолати;
- иқтисодиёт тармоқлари ва тармоқларини рақамли кун тартиби доирасида тартибга солишининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларининг ўзига хос хусусиятлари;
- ҳамкор давлатларнинг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятлари, шу жумладан учинчи давлатлар билан тузилган халқаро шартномаларга мувофиқ ўз зиммаларига олган мажбуриятлари.

Ўзбекистон экспорт салоҳиятини рақамли иқтисодиёт технологиялари билан ривожлантириш белгиланган иқтисодий ҳамкорлик соҳаларида амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, рақамли кун тартибига ўтишгача бўлган ташаббусларни ривожлантириш доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган иқтисодий ҳамкорлик йўналишларида лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб

<sup>10</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тайёрланди.



чиқилмоқда. Рақамли кун тартибини амалга ошириш бўйича лойиҳалар ҳукуқий нормаларда белгиланган иқтисодий ҳамкорлик йўналишларида, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида тегишли ўзгартиришлар киритилган ёки янги халқаро шартномалар тузилган ҳолда амалга оширилиши кўзда тутилган.



**1.3-расм. Иқтисодиётни рақамлаштириш орқали экспорт салоҳиятини ошириш жараёнида технологик жиҳатдан талаб этилувчи блоклар жамланмаси тавсифи<sup>11</sup>**

Ушбу кўрсатмаларни амалга ошириш учун қонунчиликка мувофиқ изчил, аниқ мақсадларга йўналтирилган, таҳлиллар ва фактларга асосланган ҳукуқий норматив ҳужжатлар, стратегиялар ишлаб чиқишни таъминлаши керак. Рақамли иқтисодиёт кун тартибини амалга ошириш давлат иқтисодиётини рақамлаштириш соҳасида миллий сиёsatни ишлаб чиқиши, қабул қилиши, шакллантириш ва амалга оширишга тўсқинлик қилмаслиги керак.

Бугунги кунда ривожланган давлатларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ахборот технологиялари ресурслари ва рақамли давлат хизматларини тақдим этиш стратегияси ишлаб чиқилган ёки такомиллаштирилган. Худди шундай, ривожланаётган давлатларда ҳам электрон тижорат, масофавий ишлаш ёки онлайн платформаларни яратиш каби соҳаларида бизнесни рақамлаштиришни қўллаб-қувватлаш кун тартибига чиқмоқда. Бу киберхавфсизликни таъминлаш, соҳта ахборотларга қарши курашиш ёки онлайн харид қилиши, контрагент шартномаларини тузишда ҳамда экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда юзага келаётган

<sup>11</sup> Муаллиф тадқикотлари асосида тайёрланди.



фирибгарликларга барҳам бериш учун самарали восита бўлиб хизмат қилмоқда. Рақамлаштириш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар, шунингдек, илғор рақамли технологиялар ва рақамли инфратузилмадан фойдаланган ҳолда иқтисодий-ижтимоий фаолиятни рағбатлантириш ва тизимли молиялаштиришга имконият яратмоқда. Хусусан, ҳар бир давлат барча жабҳаларида тизимни тўлиқлигича рақамлаштиришга эришиш орқали шаффофликни таъминлаш, инсон омилини четга чиқариш, коррупсия ҳолатларига барҳам бериш ва бу орқали иқтисодий-ижтимоий ривожланишга интилмоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.:Ўзбекистон,2001.396.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги ўзбекистон республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Қонуни, 22.05.2015 йилдаги ЎРҚ-385-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори, 14.05.2018 йилдаги ПҚ-3724-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, 02.06.2016 йилдаги 185-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 21 ноябрь, ПҚ-4022-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2018 й., 07/18/4022/2199-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 сентябрдаги ПҚ-3927-сон қарори. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2018 йил 10 сентябрь, 36-сон, 724-мода.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони.
9. 2018 йил 3 июлда “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишлари” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3832 сонли қарори.



10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ««Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ПФ-6079-сонли фармони.
11. Кобулов В.К. Алгоритмизация в социально-экономических системах. - Ташкент: Фан, 1998. - 320 с.
12. Бекмуродов Т.Ф. Исследования по компьютерной технике и информатике в Узбекистане: история и перспективы. Сб. научных трудов НПО "Кибернетика" АН Руз - Ташкент, 2004. -с.78-84.
13. Арипов А.Н. Ахборот коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Тошкент, 2004. - 24 б.
14. Ғуломов С.С., Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 722 б.:

